



Ислом Нури

Аллома Мухаммад Солих Усаймин раҳимахуллохнинг рўза хақидаги фатволари

Тайёрловчи: «Дорул-Косим» нашриёти
Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Аллохга хамдлар ва Унинг бандаси ва пайгамбари бўлган Мухаммадга, Унинг оиласи ва барча саҳобаларига салавот ва саломлар бўлсин.

Савол: Рўзани нима нарсалар бузади?

Жавоб: оғизни очадиган барча нарса рўзани бузади. Улар:

1) жинсий алока; 2) ейиш; 3) ичиш; 4) маний (сперматозоид) нинг шахват билан чиқиши; 5) ейиш ва ичиш маъноси ичига кирган нарсалар; 6) касддан қусиш; 7) қон олдириш; 8) хайз ва нифос қонини келиши.

Ейиш, ичиш ва жинсий алоканинг рўзани бузишига далил Аллох таъолонинг қуйидаги сўзидир: «Мана энди улар (хотинларингиз) билан (рўза кечаларида ҳам) қовушинглар ва ўзингизга Аллох ёзиб қўйган нарса (фарзанд)ни талаб қилинглар! Эрта тонгга қадар еб-ичинглар, сўнгра, рўзани кечга қадар қомил қилинглар!» (Бақара: 187).

Манийнинг шахват билан чиқинининг рўзани бузишига далиллар: Аллох таъолонинг ҳадис қудсийда келган рўзадор хақидаги сўзидир: «**Рўзадор таоми, шароби ва шахватини мен учун тарқ қилади...**» (Ибн Можжа ривоят қилди);



Ислом Нури

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Сизларнинг этингизнинг бир парчаси (яъни жинсий аъзоингиз)да ҳам садака бордир»**- дедилар. Сахобалар: **«Ё расулуллох, бизларнинг биримиз жинсий алока килса, савоб бериладими?»**- деб савол берганларида расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: **«Айтингларчи, агар сизлардан бирингиз зино килса, унга гуноҳ бўладими? Демак, агар шахватини халолга кўйса, унга савоб берилади»**- дедилар (Имом Муслим ривоят килди).

«Шахватни кўйиш» - отилиб чиккан манийни кўйиш, демакдир. Шунинг учун ҳам, мазийнинг, гарчи шахват ва жинсий алокаси кучоклаш билан бўлса-да, рўзани бузмаслиги кучлироқдир.

Ейиш ва ичиш маъносидаги нарсалар - инсонни ейиш ва ичишдан беҳожат киладиган ва ниналардан бериладиган озиклардир. Гарчи улар таом ва шароб бўлмаса-да, лекин тўқлик ўрнини босганлари учун таом ва шароб хукмидадир. Зотан, бир нарсанинг маъносида бўлган нарсанинг хукми, ўша нарсанинг хукмидир. Шунинг учун ҳам, тананинг яшаши бу ниналар оркали бўлиб, гарчи бошқа тарафдан озикланмаса-да, у доимо ниналар билан озикланади. Шунинг ҳам таъкидлашимиз керак-ки, озик бўлмаган ва ейиш-ичиш ўрнига берилмаган ниналар, гарчи томир, мускул ва тананинг бошқа ерларидан килинса-да, рўзани бузмайди.

Касддан кусишдан мақсад, одамнинг корнидаги нарсаларни огзидан чиқариб кусиши, демакдир. Унинг далили расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан Абу Хурайра разияллозу анху ривоят килган ушбу хадисдир: **«Касддан кусган одам (рўзасининг) казосини тутсин. Кусиш мажбур килган одамнинг (рўзасининг) казоси йўқдир (рўзаси**



Ислом Нури

бузилмагандир)» (Абу Довуд ва имом Термизий ривоят килдилар).

Бунинг хикмати шуки, инсон корнидаги таомини кусиб чиқарар экан, тана у чиқарилган таом ўрнини коплайдиган нарсани талаб қилади. Шунинг учун ҳам, инсон кусмаслиги керак. Агар касса, фарз бўлган рўзасини бузган бўлади.

Конни олдириш сабабли рўзанинг бузилишига далил расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг сўзларидир: «**Конни олган ва олдирган одамнинг рўзаси бузилади**» (Имом Бухорий ва имом Термизий ривоят килдилар).

Хайз ва нифос кони келишининг рўзани бузишига далил расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ушбу сўзларидир: «... **Аёл киши хайз кўрса намоз ўқимайди ва рўза тутмайди-ку?!**» (Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят килдилар).

Илм ахллари ҳам хайз кўрган аёлнинг рўзаси дуруст эмаслигига қарор қилганлар. Нифос кони кўрган аёллар ҳам хайз кўрган аёллар ҳукмидадилар.

Мазкур рўза бузувчилар учта шарт билангина қучга қиради: **1) билиш; 2) эслаш; 3) қасд қилиш билан.**

Рўзадор рўзасини мазкур бузувчилар билан, шу уч шарт соясидагина бузади.

Биринчи шарт: Рўзадор шаръий ҳукм ва вақт (ҳолат) ни билиши (идрок эта олиши) керак. Агар у шаръий ҳукм ва вақтни билмаса, рўзаси бузилмагандир. Бунинг далили Аллох таъолонинг сўзидир: «**Роббимиз, агар унутсак ва хато қилсак бизларни**



Ислом Нури

жазолама!» (Бакара: 286);

«Килган хатоларингизда сизларга гуноҳ йўқдир. Бирок, калбингиз касд килган нарсаларда (гуноҳ бордир)» (Ахзоб: 5).

Бу икки оят умумий далилдир. Бирок, суннатда буларга далолат килиб келган далиллар бўлгани учун, бу икки оят рамазонга ҳам хосдир. «Сахих» китобларда Адий ибн Хотим разияллоху анхудан куйидаги хадис ривоят килинган. **«У рўзадор эди. (Сахар пайти) ёстигининг остида туяларни чўктирилган вақтда оёқлари боғланадиган икки: ок ва кора ип - тушов бор эди. У ок ва кора ипларни ажртадиган пайтга қадар еб-ичди ва огзини бекитди. Эрталаб расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига бориб, килган ишини айтиб берди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам оятда зикр килинган ок ипдан мақсад кундуз ва кора ипдан мақсад кеча эканини тушунтирдилар. Бирок, Адийни рўзасининг қазосини тутишга амр этмадилар»** (Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари).

Чунки у, ҳукмни билмас ва оятларни юкоридагидек бўлса керак деб гумон килган эди.

Вақтни билмаслик рўзани бузмаслигига далил Асмо Абу Бакр кизи разияллоху анхумонинг: **«Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам замонида булутли кунда огзимизни очганимиздан сўнг Куёш кўринди»**, деб айтган сўзларидир (Имом Бухорий ривояти). Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам уларни рўзаларининг қазосини тутишга амр этмадилар. Агар қазо қилиш керак бўлса эди, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам уларни рўзанинг қазосини тутишга буюрган бўлар эдилар. Буюрсалар эди,



Ислом Нури

албатт умматга накл килинар эди. Чунки Аллох таъоло: **«Бизлар зикр (Куръон)ни нозил килдик ва бизлар уни химоя киламиз»** (*Хижр: 9*)- деган. Ишончли манбаълар тарафидан накл килиш имконияти бўлишига карамай, ундай хукм накл килинмади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан накл килинмаганига кўра, бундай холатда рўзанинг казосини тутиш вожиб эмасдир. Масалан, бир одам сахарликка турганини гумон килиб еб-ичади, бироқ, еб-ичган вақти Куёш чикканидан кейинги вақт эканини пайкайди. Бу одам рўзасининг казосини тутмайди. Чунки у, вақтни билмаган эди.

Иккинчи шарт: Рўзадор билади, аммо унутади-да, бирон нарсани ейди ёки ичади. Бу одамнинг рўзаси бузилмаган ва у рўзасининг казосини тутмайди. Бунинг далили Аллох таъолонинг ушбу сўзидир: **«Роббимиз бизларни хато килсак ва унутсак, жазолама!»** (*Бакара: 276*).

Абу Хурайра разияллоху анху деди: **«Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Рўза тутиб унутиб еган ёки ичган одам, рўзасини нихоясига етказсин. Чунки уни Аллох едириб, ичирган»»** (*Имом Муслим ривояти*).

Учунчи шарт: Рўзани касддан бузиш. «Касддан» дейишдан мақсад, рўзадорнинг огзини ўз ихтиёри билан очиши, демакдир. Агар ихтиёрсиз бўлса, унинг рўзаси бузилмагандир. Бунда рўзадорнинг мажбурланган бўлиш ёки бўлмаслиги муҳим эмасдир. Чунки Аллох таъоло куфр ишни килишга мажбурланган одам хақида шундай деган: **«Иймон келтирганидан сўнг (куфр ишни килишга) мажбурланган, бироқ, калби иймон билан хотиржам бўлган киши (кофир эмасдир). Аммо калбларини куфрга очган кимсаларга Аллох тарафидан газаб ва буюк азоб бордир»** (*Нахл:*



Ислом Нури

106). Расуллуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Аллох таъоло бу умматимдан хато, унутиш ва мажбурланган нарсаларини кўтарди»** (Ибн Можжа ривояти).

Мазкур далилларга биноан рўздорнинг нафас йўлларида кириб, тотини хис эттирган ва меъдасига тушган чанг-губорлар рўзани бузмайди. Чунки рўздор буни касд килмаган. Шунингдек, рўзасини очишга мажбур килинган ва очган рўздорнинг рўзаси хам бузилмагандир. Чунки у, рўзасини ихтиёрсиз очган бўлади.

Шу ерда диккат этиш керак бўлган бир масала бор. У – рамазон ойининг кундузида рўзасини жинсий алока килиш билан очган одамга рўза тутиши вожиб бўлади. **Чунки унинг жинсий алока килиши окибатида беш холат лозим бўлади: 1) гуноҳ; 2) куннинг колган кисмида рўздор колиш; 3) рўзасининг бузилиши; 4) казо килиш; 5) каффорот бериш.** Бу хукмда унинг билиб ёки билмай жинсий алока килганлигининг эътибори йўқдир. Яъни, рамазон ойида фарз рўзани тутиш асносида каффорот бўлишини билиб ёки билмай жинсий алока килган одамга юкорида санаб ўтилган хукмлар жорий килинади. Чунки, у рўзани бузувчи нарсани касд килди. Бу эса унга белгиланган хукмларни жорий килишни талаб килади. Абу Хурайра разияллоху анху ривоят килган хадисда шундай дейилган: **«Бир киши расуллуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хузурига келиб: «Ё расуллуллох, мен халок бўлдим!»- деди. Расуллуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Сени нима халок килди?»- дедилар. У одам: «Рамазонда рўздор холатимда хотиним билан жинсий алокада бўлдим»- деди»** (Имом Бухорий ва имом Муслим ривоят килдилар). Расуллуллох соллаллоху алайхи ва саллам уни каффорот беришга амр этдилар. Аслида, бу одам рамазон ойининг кундузларида жинсий алока килиш каффоротни такозо этиши ёки



Ислом Нури

этмаслигини билмас эди. Шунинг учун ҳам, юқорида: «Рўза фарз бўла туриб» жумласини эҳтиёт нуктаи назаридан келтирган эдик. Чунки сафардаги рўзадор рамазон ойининг кундузида жинсий алока килса, унга каффорот вожиб бўлмайди. Масалан, эр-хотин рамазон ойида сафарга чиксалар ва кундуз куни, рўзадор холатларида, жинсий алока килсалар, уларга каффорот вожиб бўлмайди. Чунки мусофир огзини очса, рўзасини ниҳоясига етказиши шарт эмас: хохла са ниҳоясига етказди, хохла маса рўзасини очиб, кейин казосини тутиб беради.

Тўгрисини Аллохгина билади ва кайтиш Унгагинадир.

Аллох таъоло пайгамбаримиз, Унинг оиласи ва барча саҳобаларига салават ва саломлар йўлласин.

2002 йил 8 ноябрда таржима килинди